



NAVOIY VILOYATI NUROTA TUMANI HOKIMI F A R M O Y I S H I

210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-13-42, nurota@nv.uz

2021 йил «9» июл

17-5-74-F/21

Нурота тумани ҳокимлиги

Нурота туман бош давлат ветеринария инспекторининг 2021 йил 5 июлдаги 38-05/01-136-сонли тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддаси, ”Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддаларига асосан тумандаги “Қўрғон-2020” масъулияти чекланган жамиятига Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Тукай туманидан олиб келинган 70 бош қорамолларни 21 кунлик карантинга қўйиш мақсадида:

1. Нурота туман бош давлат ветеринария инспекторининг 2021 йил 5 июлдаги 38-05/01-136-сонли тақдимномаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Қўрғон-2020” масъулияти чекланган жамиятига Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Тукай туманидан келтирилган қора-ола (чёрно-пестрая) гольштин ҳамда кизил-Дания (красная датская) зотларига мансуб 70 бош қорамоллар туманнинг таббий иқлим шароитига мослаштириш, ветеринария профилактик тадбирларини амалга ошириш, юқумли касалликлардан ҳоли қилиш учун 21 кунлик карантинда сақлансин.

3. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими (Б.Бобомуродов), Навоий “Чорванасл” маркази туман вакиллиги (Т.Рахимов), “Қўрғон-2020” МЧЖ (У.Раҳматов)ларга:

карантин даврида барча қорамолларни кунлик ветеринария клиник кўригидан ўтказиш ҳамда қорамоллар тўғрисидаги маълумотларни журналларда қайд этиш учун масъул ветеринария врач бириктириш ва ветеринария врачининг масъулиятини ошириш;

молхонанинг кириш чиқиш жойига “дезومات” ташкил этиш;

туман иқлим шароитига мослаштириш ҳамда юқумли касалликлардан ҳоли қилиш учун ўз вақтида ветеринария профилактик тадбирлар амалга ошириш;

карантин ташкил этилган ҳудудга бегона шахсларнинг кириб чиқишини тақиқлаш;

қорамолларни эпизоотик режага асосан ветеринария профилактик тадбирларини амалга ошириш;

қорамолларни зоогигиена талаблари асосида парваришланишини қатъий назоратга олиш ҳамда белгиланган меъёр асосида озуқа рационини тузиб, озиклантиришни ташкил этиш;

“Қўрғон-2020” масъулияти чекланган жамиятида ўта хавфли юқумли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида юқумли касалликларга қарши эмламалар захирасини яратсин.

4. Тумандаги “Қўрғон-2020” масъулияти чекланган жамияти (У.Раҳматов)га 2021-2022 йиллар қишлоқ мавсумини беталофот ўтказиш, қишлоқга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида қорамоллар учун етарли озуқа захирасини яратиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ф.Ёдгоров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



У.Халилов